



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

YOSHILAR ovozi

№ 54 (16359)
1-IYUL, DUSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Қадрли фарзандларим!

Сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизда кенг нишонлаётган Ёшлар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу кутлуғ айёмда барчамиз ёшлик инсон умрининг нақадар гўзал ва бегубор фасли, улкан орзу-умидлар, бекиёс имкониятлар даври эканини янада чуқур ҳис қилиб, сиз, навқирон фарзандларимизга энг эзгу тилақларимизни ихзор этамиз.

Ўтган қисқа даврда жамиятимиз ҳаётидан мустақкам ўрин эгаллаган бу байрам давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва камоли учун ҳеч нарсага аямаслигини, мамлакатимиз ёшлари ҳам Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишини яққол ифода этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг қисмига икки йилда шу соҳага оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ҳукуматининг ўнлаб фармонлари, қарор ва фармойишлари қабул қилингани ҳамда шу асосда улкан ишлар амалга оширилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва "Ёшлар клуби" иш бошлади.

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун "Ёшлар — келажгимиз" жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та "Ёшлар меҳнат тузари", 19 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юрталари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари" деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етак кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракати айлана бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта қурлиш ва ободончилик ишлари билан бирга, "Ёшлар кутубхонаси" туркумидаги 470 мингга бадиий адабиётлар республикамиздаги барча мактаблар ҳамда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий Кенгашларида бепул тарқатилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовор бўлгани ҳам кўриш мумкин.

Азму шижоатли, навқирон йигит-қизларимизнинг ўз соҳасида, жамоат ишларида эришаётган ютуқларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, ўтган йили ана шундай ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшларимиз "Дўстлик" ордени ва "Шуҳрат" медаллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Келажак бунёдкори" медаллари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Яна 28 нафар азамат йигитларимиз янги таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларнинг сафарига яна бир гуруҳ фаол ёшларимиз қўшилиётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз фарзандларим!
Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустақкамлаш, айниқса, уларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш, оилавий ажримлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга қамайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафилиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга энгил жазо турлари тайинлангани жамиятимизда кеңиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада ўз сафарларида 7 миллион 680 минг аъзоини бирлаштирган Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда олиб борилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, уларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, катъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол катнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат Ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Қадрли ёш дўстларим!
Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аجدодларимиз жасорати, жонжон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун қуч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани жаҳолатга қарши — маърифат тамойили асосида олиб бораётган кенг қўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажagini барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу удуғ ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнап бутун яратиб беришимиз керак.

Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадига бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Азиз ўғил-қизларим!
Бугун биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби сизлардан ҳам ҳар томонлама катта тайёрларлик ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ишончим қомил, сизлар замонавий билим ва тараккиёт чўққиларини эгаллаб, ўз амалий ишларингиз, ғайрат-шижоатингиз билан жонжон Ватанимизга муносиб, садоқатли фарзандлар бўласиз.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор қўлаб, барчангизга сихат-саломатлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШЛАРНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИНИ, ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



Пойтахтимиздаги "Хумо арена" спорт саройида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз шухратини дунёга таънаётган, ҳар жаҳонга фаол ёшлар катнашди. Президентимизнинг Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригини

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди. Табриқда ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадига бошланган ишлар нафақат изчил давом эттирилиши, балки янги, янада юксак босқичга кўтарилиши алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"МАРД ЎҒЛОН" ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидорини, интилувчанлигини ва ташаббускорлигини, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараккиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, катъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқбол учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-5106-сон Фармони ва 2017 йил 21 ноябрдаги "Мард ўғлон" давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3402-сон қарорига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-

ридаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақдирларга "Ёшлар куни" арафасида ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топирилисин.

2. "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганларга "Ёшлар куни" арафасида ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топирилисин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тасвир этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини, А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчинининг биринчи ўринбосарини — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси К.К.Қуранбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 июнь

2-саҳифа

38 МИНГ 29 ТА
МУАММО
ҲАЛ ЭТИЛДИ



4-саҳифа

-iyun — Yoshlar kuni

НУРАФШОН ЯНАДА ЧАРОҒОН БЎЛДИ



Ёшлар куни муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиладиган байрам тадбирлари халқимизга ўзини хос кўтаринки кайфият бағишламоқда. Нурафшон шаҳри

ҳам шундай байрамона кайфият оғушида.

Нурафшонда Ёшлар куни 1 минг 500 нафар ёш иштирокидаги югуриш марафони билан бошланди.

Сўнг ҳудудда қад ростлаган замонавий Ёшлар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 3-саҳифада).

ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ



Амударё туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сонли қарорига мувофиқ, қурилган кўп қаватли хонадонлардан 3 таси ёш оилаларга тантанали топширилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Хотин-қизлар кўмитаси, "Халқ кабулхонаси"нинг ҳудуддаги

вакиллари ҳамда туман ҳокими иштирок этди. Сўзга чиққанлар ёшларни байрам билан табриклади.

Худди шундай тадбир Термиз шаҳрида ҳам ўтказилди. Худуддаги Саҳоват маҳалласида ёш оилалар учун учта тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Мухбиримиз

"ОИЛАВИЙ БАХТ СИРИ — БИЗДА!"

Президентимиз жорий йилнинг 19 февраль куни Сирдарёга ташрифи чоғида вилоятда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил давом эттириш ва ёш оилалар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадига "Энг яхши китобхон оила" танловини ўтказиш вазифасини топ-

ширган эди. Қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгашида тузилган ишчи гуруҳ томонидан низоми ишлаб чиқилиб, танловнинг ҳудудий босқичига старт берилди.

(Давоми 3-саҳифада).





ЁШЛАРНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИНИ, ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Президенти масоҳатчисининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қажрамон Қуронбоев ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев давлатимиз раҳбарининг гамхўрлиги туяфайли бугунги ёшлар замонавий билим ва таракқиёт чўққиларини эгаллаб, инновацион ташаббуслари, ғайрат-шижоати, эришадган ютуқлари билан Ватанга муносиб, садоқатли фарзандлар бўлиб етишадганини кайд этди.

Мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, маънан етуқ, жисмонан соғлом, интеллектуал ривожланган, мустакил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялаш бўйича ягона тизимни яратиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кайта ташкил этилган эди.

Ўтган вақт давомида бу янги тузилма мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини оширишга хизмат қилиб, йигит-қизларнинг таъинига айланиб улгурди.

Бунда, албатта, тизимга доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, кейинги икки йилда қабул қилинган 3 та қонун, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари асосида Бош вазир, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” иш бошлади.

Ёшлар иттифоқи аъзолари 7 миллион 680 мингдан, “Камалак” болалар ташкилоти аъзолари эса 3 миллион 600 мингдан ортди.

Ўтган давр давомида ташкилот томонидан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий оғини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, бандлигини таъминлаш, йигит-қизларни юқори лавозимларга тайинлаш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, имконияти чекланганларга кўмақ бериш борасида самарали лойиҳалар ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқи қошида турли йўналишларда 26 ташкилот тузилиб, самарали фаолияти йўлга қўйилди. Республика ёш ижодкорлар, ёш олимлар, ёш фермерлар кенгашлари, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказлари, “Ёшлар” наشريёт уйи каби ташкилотлар бугунги кунда йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда олиб бориладиган халқ билан мулоқот доирасида “Ёшлар қабулхоналари” ташкил этилиб, ўтган вақт мобайнида 16,5 мингга яқин мурожаат юзасидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 215 минг 742 нафар ёш тадбиркор ва 7 минг 821 нафар ёш хунармандлар базаси шакллантирилиб, Иттифок қўмағи билан 4 минг 555 нафар ёш тадбиркорга тижорат банклари орқали 673,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ёшлар иттифоқининг сўнги икки йилдаги амалий ишлари натижасида 184 минг 400 нафар ёш бандлиги таъминланди.

Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларини имтиёзли асосда олий ўқув юрталарига қабул қилиш ва шундай талабаларга шартнома пулининг 35 фоизини, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга 50 фоизини тўлаб бериш, ёш оилаларга уй олиш учун 20 йиллик муддатга имтиёзли кредит бериш тизими йўлга қўйилган. Тизимда фаолият юритаётган 242 ходимга имтиёзли кредит асосида автомобиллар берилди.

Ёшлар бандлигини таъминлашнинг илғор тажрибаси сифатида 190 касб-хунар коллежи негизда “Ёшлар марказлари” ташкил этилиб, 26 йўналишда тил ва касб-хунарга ўргатиш бўйича бепул тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур тўғарақларда 80 мингга яқин йигит-қиз билимини мустаҳкамлаб, касб-хунар эгалламоқда. Ушбу тўғарақ аъзолари орасида боқувчисини йўқотган, уюлмаган, ИИБ идораларида рўйхатда турувчи, имконияти чекланган, кам таъминланган оила фарзандлари ва бошқалар бор. Шунингдек, чет давлатларга ишлаш учун бориш истагида бўлган ёшлар учун рус тили, инглиз тили ва хорижий давлатларнинг меҳнат қонучилиги бўйича 209 бепул тўғарақ ташкил этилган.

Тузилма ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин қамайтириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида “Қонун ва адолат устувор, жиноятга жазо муқаррар” принципи асосида фаолият юритиб келмоқда. 2019 йил май ойи ҳолатига кўра, ҳамкорликда амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида соғлом турмуш тарзига қайтанилган учун 6 минг 383 воёга етмаган ва 2 минг 944 ота-она ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидан чиқарилиди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга қамайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан ташвишланган бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи қабилиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо тури тайинлангани жамиятимизда кечиримлик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини қучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Бундан ташқари, ўтган икки йил давомида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида “Ҳоким ва ёшлар”, “Прокурор ва ёшлар”, “Суд ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар” мавзуларида очик мулоқотлар ўтказилиб, йигит-қизларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шарафли ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Буннинг таъинини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, 520 олтин, 544 кумуш, 588 бронза медалига сазовор бўлганда ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳисобидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилиб, “Ёшлар кутубхонаси” рўқни остида 47 номдаги жами 470 минг дона бандий кўтоб нашр этилди ва республикадаги барча мактаблар, ташкилотнинг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилди.

Ёшларда китобхонлик кўникмаларини шакллантириш, уларда китобга бўлган меҳрни

уйғотиш мақсадида 2 мартаба “Ёш китобхон” республика танлови ўтказилди. Танлов ғолибларига жами 5 дона Президент совғаси – “Spark” автомобилнаси топширилди.

2019 йилги мавсумда 1 миллион 210 мингдан зиёд йигит-қизнинг танловда иштирок этиш учун мурожаат қилган китобхонликка бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг олд сўҳудларидида ҳам ёшлар китобхонлигини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Кўчма кутубхоналар” (Библиобус) фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурлиги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Институтнинг ташкил этилиши мамлакатда ёшлар муаммоларини ўрганиш, мазкур йўналишда таҳлилий ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, истиқболли ёш кадрларни кайта тайёрлаш, малакасини оширишга қаратилган ягона тизим яратилишига олиб келди.

Институтда 2017-2019 йилларда 4 ойлик қайта тайёрлаш курслари орқали қўллаб-қувватланган малакаси оширилди. Эътиборлиси, битирувчилар вазирлик, идора, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг юқори лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда институтда 55 нафар йигит-қиз таҳсил олмақда. Бундан ташқари, институтда таълим муассасаларидаги, харбий қисмлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда вазирлик, ташкилот ва идоралардаги етакчилар кенгаши раислари учун 1 ойлик малака ошириш ўқув курслари ташкил этилган.

Тузилма халқаро майдонда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи амалга оширилди ва бир қатор натижаларга эришилди. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Ёшлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ШХТ Ёшлар кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ўрнак бўладиган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Ўтган йили ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшлар “Дўстлик” ордени ва “Шухрат”, “Келажак бунёдкори” медаллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Илк бор 2018 йилда 28 нафар йигит янги таъсис этилган “Мард ўғлон” давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Бугун улар сафига яна шунча мард ўғлон қўшилди.

Бу мукофот Президентимизнинг, давлатимизнинг бизга билдирган катта ишончидир, — деди ЎзРФА Математика институти таянч докторанти Шомурод Шопўлатов. — Албатта, Ватан тараққиётига хизмат қилишдек бурчимизни шараф билан адо этишда шундай юксак эътибор бизга қуч-қувват бахш этди, янги марралар сари ундайдим, илҳомлантирди.

Тадбирда таниқли санъат усталари, ёш хонандалар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Хуриш ҚОДИРОВ, ЎЗА муҳбири

“МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Машарипов Элёр Шомурод ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг харбий қисм гуруҳ катта офицери (Қорақалпоғистон Республикаси)

Ражджапов Алишер Мухаммадиевич — Нукус спорт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Позилев Дилхушбек Орифжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Андижон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими харбийлаштирилган қисм бошлигининг ўринбосари (Андижон вилояти)

Умаров Ойбек Тулқунжанович — Андижон машинасозлик институти лаборанти (Андижон вилояти)

Бафоев Шахбоз Шамсиддин ўғли — “Ватанпарвар” ташкилотининг Гиждувон автомобилар мактаби авиаракетамодель тўғараги раҳбари (Бухоро вилояти)

Исмониллов Дониёр Лазизжоневич — Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Батуров Бобо-Усмон Шамсутдин ўғли — Пахтакор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи (Жиззах вилояти)

Оканов Сайфидин Мухиддин ўғли — Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Абдураимов Элмурод Абдусаломович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари харбий қисм гуруҳ командири (Қашқадарь вилояти)

Раупов Шарифжон Байрамали ўғли — “Хунарманд” уюшмасининг Ғузур тумани бўлими аъзоси, хунарманд-заргар (Қашқадарь вилояти)

Номозов Давронбек Зокир ўғли — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси цех муҳандиси (Навоий вилояти)

Ташпўлатов Асатбек Зоҳиджон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Навоий академик лицейи 1-босқич ўқувчиси (Навоий вилояти)

Абдумуталов Мухаммадсиддиқ Қажрамонжон ўғли — Қосонсой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг қаратэ бўйича мураббийи (Наманган вилояти)

Мўминов Темурбек Рўстамжон ўғли — Норин туманидаги “Омадбек

бўстони” фермер хўжалиги бошлиғи (Наманган вилояти)

Рузимуродов Аскар Собир ўғли — Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 3-босқич курсанти (Самарқанд вилояти)

Ўзбеков Лазизжон Хомиджон ўғли — Самарқанд ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Баҳромов Нодирбек Олимжон ўғли — Боевут туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Қурбонов Жаҳонхир Абдумалиқ ўғли — Сирдарё туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи (Сирдарё вилояти)

Азизов Шахзод Абдуғани ўғли — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассис-ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

Шербоев Алишер Сафар ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мулофаа вазирлигининг харбий қисм мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

Болтаев Бехзодбек Матёқуб ўғли — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Холмурзаев Шахбоз Ибрагим ўғли — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Зокиров Элёржон Анварович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходими (Фарғона вилояти)

Қалавдаров Хасанжон Одилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг харбий қисм гуруҳ командири (Фарғона вилояти)


Базарбаев Сардор Урибоевич — Ўзбекистон Миллий университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Мадримов Исраил Модрахимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари ходими (Хоразм вилояти)

Евдокимов Данил Александрович — Чирчик ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Шопўлатов Шомурод Шорасул ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти таянч докторанти (Тошкент шаҳри)

Сўнги икки йилда эришилган энг муҳим ютуқ ва натижалар:



Келгусидаги энг устувор вазифалар:

- 5 та муҳим ижобий ташаббусни том маънода умумхалқ ҳаракатида айлантириб, амалий самарага эришиш.
- Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини тарбиялаш, ёш авлоднинг боқимондорлик кайфиятидан халос этиш.
- Ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида барча масъул мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлик дастурини жорий этиш.
- Таълим тизимининг барча бўғинларида ўқув-тарбия сифатини юксалтириш, малакали, илмий салоҳияти юқори бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантириш.
- Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида махсус дастур ишлаб чиқиш.
- Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тизимини жорий қилиш, Талабалар Кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш.
- Ёшларнинг жисмоний-руҳий тайёргарлигини қучайтириш, улар қалбига миллий кадрият ва анъаналаримизни чуқур синдириш орқали ёш лидерларни тайёрлаш.
- Волонтерлик фаолиятини қучайтириш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш.
- Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакат салоҳияти ва имкониятларини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш.
- Ҳар бир Ўзбекистон фарзанди бахту иқболини таъминловчи ғоялар, фикрлар, тасвилялар, тақлифлар учун Ёшлар иттифоқининг очиклиги тамойилини илгари суриш.

НУРАФШОН ЯНАДА ЧАРОҒОН БЎЛДИ



(Бошланиши 1-саҳифада).

Иншоот Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ажратилган 22 миллиард сўмлик маблағ эвазига барпо этилди. Марказда



ёшларнинг қўшимча билим олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун чет тили, шахмат, тикувчилик, бизнес саводхонлиги, психология, тасвирий ва амалий санъат, мусика, компютер, пазандалик тўғрисида

иш бошлади. Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган маркаж келажакда юртга тиргак бўладиган навқирон авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Этиборлиси, мухташам бинодаги илк тадбир вилоят ёшларини янги марралар сари руҳлантиргани билан унутилмас бўлди. Гап шундаки, саройда Зангиота туманидаги 35-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Зилола Шомуродовага Президент совғаси топширилди. 2017 йилда унинг “Онажонимга совға” номи биринчи китоби чоп этилган. Қизалоқ қинда шеърини китоби ва самимий дил сўзлари ёзилган мактубини Президентимиз Шавкат Мирзиёевга йўллаган эди. Унинг бегубор қалб сўзлари ёзилган нома эътибориз қолмади. Давлатимиз раҳбари Зилола Шомуродовага жавоб хати йўллади.

Тантанали тадбирда Президент маслаҳатчиси Х.Султонов мактубини ўқиб эшиттирди. Мактубдаги: “Мурғак юрагингда шу юртга дахлдорлик, чинакам ватанпарварлик, чексиз садоқат ва муҳаббат туйғула-

ри жўш уриб турганини хис қилиб, жуда мамнун бўлдим.

Она Ватанимизнинг ишончини оқлаш, халқ хизматига хамиша шай туришни олий мақсад билиб вояга етаётган, шу йўлда тинимсиз изланиб, ўқиб-ўрганиб, ҳар жабҳада тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган болаларимиз халқимизнинг фахри-ифтихоридир.

Сен каби минг-минглаб фарзандларимнинг бахтини мен ўзимнинг бахтим, деб биламан”, деган жумлалар ҳар бир оила ва ҳар бир ёшни тўлқинлантиради. Президентимизнинг бундай эътибори залда йиғилган ёшларни руҳлантиргани, қалбига улкан орзуларни жойлагани уларнинг ёниб турган қўзларида акс этди.

Президентимизнинг мактуб йўллагани бу юртда ҳеч бир меҳнат рағбатсиз қолмаслигини аниқлади, — дейди Зилоланинг отаси Музаффар Раҳимов. — Очигини айтганда, ўқувчи кизнинг мурожаатига қатта эътибор қаратилишини кутмаган эдик. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар туб замирида ёшлар масаласи туриб-



ди. Бугунги авлод ўқиб изланса, кизиккан соҳасини пухта эгалласа, кун келиб, юрт равнақи йўлида хизмат қилади. Бунга яхши намуна Президентимиз оқилона сиёсат юритиб, бор эътиборини келажак бунёдкорларига қаратмоқда. Болаларимизнинг



Мухбиримиз

адабиётга, китоб ўқишга кизиккани давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус доирасида яратилган имконият ва шароитлар мевасидир.

Келажак сенинг қўлингда!

Мингбулоқ туманида “Ватан келажаги сенинг қўлингда!” шиори остида “Ҳоким ва ёшлар” учрашув бўлиб ўтди.

Унда туман тижорат банклари, халқ таълими бўлими, фермерлар кенгаши, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази ва “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси туман филиаллари ҳамда 150 нафардан ортиқ ёш иштирок этди. Учрашувда имтиёзли кредитлар олиш, ёшларни иш билан таъминлаш, бепул wi-fi зоналари ташкил этиши каби масалалар кўтарилди.

Ҳоким 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан туманда очилган Ёшлар медиа марказига сўнгги рўсумдаги фотокамера ва ноутбук совға қилишга ваъда берди. Бу орқали туман ёшлари ҳаётига оид янгиликлар тезкор, сифатли ва аниқ ёритилишига замин яратилади.

Азамат МАХМУДОВ

Мурувват тадбирлари

Эллиққалъа туманида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг никоҳ ҳамда икки нафар боланинг суннат тўйи туман ҳокимлиги, Иттифоқнинг туман кенгаши ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилди.

— Бугунги тантана “Президент эътибори — мурувват тадбирларида” деб номланади, — деди туман ҳокими ўринбосари Б.Алимов. — Сизлар юртимизнинг энг бахтли фарзандларисиз. Чунки ҳаётингизнинг унутилмас онлари қувончли ўтишига шахсан Президентимиз бошчилик қилмоқда. Умид қиламизки, барчан-

гиз мустаҳкам оила куриб, фарзандларингизни Ватанга муносиб инсонлар этиб тарбиялайсизлар.

Шундан сўнг ёшларга замонавий микропечлар, замонавий ётоқхона мебеллари жамланмаси ва кийим-кечаклар совға қилинди.

Мухбиримиз

“ОИЛАВИЙ БАХТ СИРИ — БИЗДА!”



(Бошланиши 1-саҳифада).

Қувончлиси, танловда жами 12 минг 540 нафар ёш оила иштирок этди. Уларнинг 11 таси танловнинг вилоят босқичига йўлланма олиб, Президент совғаси — “Спарк”ни қўлга киритиш учун билимларини синовдан ўтказди.

Танлов натижасига кўра, Қаршиевлар оиласи ғолиб деб топилди.

Сайхунбоддаги 22-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим тадбиркор, — дейди танловда ғолиб бўлган оила бекаси Шохсанам Қаршиева. — Мактабимизнинг бошланғич ташкилоти етакчисидан янги танлов ҳақида эшитиб, унинг шартлари билан танишдим. Кечки овқатдан сўнг, оилавий кутубхонамизга кирдим. Турмуш ўртоғим “Уфк”ни мутлола

қилаётган эдилар. Танлов ҳақида фикрини сўрадим. Турмуш ўртоғим бир муддат ўйга долиб, менга тикилиб қолди. Шу пайт кутубхонамиздаги китобларнинг ҳар бири “Олга, олга, олга!” деяётгандек туюлди. Ота-онамизнинг дуосини олиб, тайёрларлик кўрдик... Президент совғаси биз учун қатта ютуқ бўлди. Биз оилавий муаммоларни камайтириш, бахтли ҳаёт ҳақида кўп гапиримиз, унинг сирини билишга кизикамиз. Танловга тайёрланиш жараёнида оилавий бахт сирини кашф этдим. Билдимки, оила даврасида, жажжи фарзандларинг билан китоб мутлола қилиб, ҳар куни оламага янги-чанига билан қараш энг қатта бахт экан!

Гулчехра АШУРОВА

Байрам совғаси

Ёшлар кунинда Жиззах вилоятининг Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол туманларида старт олган эрталабки бадантарбия ва марафонда 2 минг нафарга яқин ёш қатнашди.

Шу кун арнасойлик Давлат Сидиров “Олтин водий” кишлоғида қурилган “Ёшлар уйи”нинг соҳибига айланди. Нурлан Жалилов “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасидан кредит олиб, сунъий қопламали мини стадион, ёш тадбиркор Умид Холмуродов жамғармадан олган 30 миллион сўмлик кредит эвазига янги кутубхона барпо этган эди. Байрам арафасида стадион ва кутубхонанинг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Иттифоқнинг вилоят кенгаши ҳарбий қисмлардаги ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан Бахмал туманидаги ҳарбий қисмда “Биз, ёшлар Ватан тинчлигига

қалқонимиз!” шиори остида “Очиги эшиклар кунини” ўтказилди.

Тадбирда 278 нафар ўқувчи иштирок этди. Уларга курол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар кўргазмалари ҳамда ҳарбий қисмда яратилган шароитлар ҳақида тушунча берилди.

Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. 20 нафар ёшга ўқув куроллари, кийим-кечаклар совға қилинди. Туман марказий ўйингоҳидаги гала-концерт ёшларнинг маданий хордик чиқариши учун айни муддао бўлди.

Элдор НАВРЎЗОВ

Бухорода гуллар сайли

Бухоро ёшлар мажмуасида гуллар байрами бўлиб ўтди. Саккиз гектар майдон 130 та корхона ва ташкилот томонидан қарийб 1 миллион донага яқин 40 турдан зиёд гул, 120 та элемент ва декорациялар билан безатилди. Самарқанд, Тошкент ҳамда Наманган вилоятидан келган тадбиркор гулчи боғбонлар ўз тажрибалари-

ни алмашиб, гуллар сайлига ҳисса қўшди.

— Бухороликлар чинакам боғбонлардир, — дейди наманганлик гулчи Мирвосит Жуманазаров. — Чунки бухороликлар пешана тери эвазига шўр тулпроқда бўстон яратишди. Бунга қойил қолса арзийди.

Лайло ҲАЙИТОВА

Замонавий ёшлар минбари

“Ёшлар пресс-клуби”да “Ёшлар матбуоти: янгилиниш ва юксалиш оидимлари” мавзусида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши муассислигидаги ОАВлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Унда “Ёшлар медиа маркази”, “Бунёдкор” ёшлар телеклуби, “Yoshlar ovozi” ва “Молодежь Узбекистана” газеталари, “Yosh

kuch” ва “Dugonalar” журналларининг фаолияти сарҳисоб қилинди. “Ёшлар медиа маркази” ННТ

Рўзиқул ОЧИЛОВ

томонидан ўтган йил давомида 925 та телемахсулот тайёрланди. “Газета шарҳи”, “Дайжест” кўрсатувлари ҳамда инфорацион лавҳалар, ижтимоий роликлар “Ёшлар”, “Ўзбекистон 24” ва “Менинг юртим” телеканаллари орқали эфирга узатиб келинмоқда. Ташкилот 2019 йилнинг 1 чораги давомида ҳам самарали фаолият юритиб, 418 та телемахсулот тайёрлашга эришди. “Yoshlar ovozi” ва “Молодежь Узбекистана” газеталари дизайнини ўзгартириш, ёшларбош кўринишга келтириш ва матбаа соҳасида дунё тажрибасини ўрганиш мақсадида тахририят ходимлари Германия, Туркия, Россия давлатларида бўлиб қайтди. Бундан ташқари, ёшлар иттифоқи муассислигидаги нашрларнинг ўтган вақт давомида амалга оширган ишлари, нашрнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ журналистлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тақдирланди.

Сайлов — демократия кўзгуси

Адолатли сайлов сайловчилардан сиёсий билимни, фаолликни талаб қилади. Натижада эл дардига қулоқ тутиб, масалани халқ манфаатлари йўлида ҳал этадиган номзод сайланади.

Маълумотларга қараганда, бу йилги парламент сайловларида иштирок этадиган сайловчилар 22 миллион нафарни ташкил этиб, шундан 2 миллион нафардан ортиги сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлардир. Бу соҳага оид тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини аниқлади.

Сайловларда ўғил-қизларнинг иштирокини кенгайтириш нафақат сайловчи, балки ёш депутат сифатида ўзини кўрсатишига имконият яратиш, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шу муносабат билан ўтказилган йилги мажлисда меморандум доирасидаги вазифалар, юртимиз сайлов қонунийлиги ҳамда “Сайлов кодекси”нинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашилди.

Сайлаш фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, демократиянинг асосий мезони ҳисобланади. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида ўз номзодларини сайлайди.

Жараёнда жамият аъзоларининг хоҳиш-истаги, олиб борилаётган сиёсатга муносабати ҳам оидинлашиб, фикрлар хилма-хиллиги яққол намоён бўлади. — Ёшлар бир кунда сайловга тайёр бў-



либ қолмайди, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Бегмат Очиров. — Таълим муассасасида, оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириб бориш керак. Бу билим ёшларга нафақат сайлов жараёнида, балки бутун умри давомида қолқонлиги учун хизмат қилади. Соҳага доир қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Икки ташкилот ўртасида меморандум имзоланган асо-

сий мақсад, давлат бошқарувида ёшлар ўз ўрнини хис қилиши, муносиб номзодларни танлашда онгли равишда иштирок этишини кучайтиришдан иборат. Сабоби биз муносиб номзодни сайласак, у келажакда ёшларга доир масалаларни ечиши, соҳада қатор ислохотларни йўлга қўйиши мумкин.

Маямура ХЎЖАҚУЛОВА



Bandlikka ko'maklashish
va ijtimoiy himoya
bo'limi

Yoshlar bandligi ta'minlansa, mamlakat taraqqiyotiga g'ov bo'ladigan ijtimoiy muammolar yechim topadi. Axir o'qish, doimiy ish bilan band bo'lgan o'g'il-qizlarning behuda ishlarga vaqti bo'lmaydi. Bu Ittifoqning Bandlikka ko'maklashish va ijtimoiy himoya bo'limining zimmasida qanchalik ulkan mas'uliyat borligini anglatadi. Mazkur bo'lim vazifasini qay darajada sifatli bajarsa, mamlakatimizdagi mavjud ijtimoiy muammolar yechimini topib boraveradi.

Yoshlarni ish bilan ta'minlash oson vazifa emas. Buning uchun bitta tuzilmaning imkoniyati kamlik qiladi. Shu sabab qator vazirlik, davlat idora va tashkilotlari bilan hamkorlik yo'lga qo'yilgan. Bu hamkorlik natijasida o'tgan davr mobaynida besh marotaba "Ta'lim va mutaxassislik" xalqaro ko'rgazmasi tashkil etildi.

38 ming 29 ta muammo HAL ETILDI

Unda yoshlar yurtimizda faoliyat yuritayotgan 60 ga yaqin oliy ta'lim muassasalari, 50 dan ziyod nodavlat ta'lim muassasalari hamda 90 dan ortiq xorijiy oliy o'quv yurtlari, ularning respublikamizdagi filiallari, xorijda ta'lim olishga ko'maklashuvchi tashkilotlar hamda o'quv markazlarining ta'lim dasturlari bilan tanishdi. Bu shunchaki tanishuv emas, balki kasb tanlashda ikkilanayotgan, o'z imkoniyatini baholashda qiynalayotgan tengdoshlarimizga yo'l ko'rsatkich vazifasini o'tadi. Shuningdek, jarayonda yoshlar dunyo mehnat bozorida vaziyatdan xabardor bo'ldi.


Ayrim yurtdoshlarimiz xorijga chiqib ishlash ishtiyoqida. Ular chetga chiqqach, qiyinchiliklarga duch kelmasligi uchun, avvalo, til bilishi va o'sha mamlakat qonunchiligidan xabardor bo'lishi kerak. Shu sabab Yoshlar ittifoqining Markaziy Kengashi, Bandlik va mehnat munosabatlari, Xalq ta'limi vazirliklari hamda Kasb-hunar ta'limi markazi hamkorligida xorijda ishlash istagida bo'lgan yoshlar uchun xorijiy tillar va ularning mehnat qonunchiligi o'rgatiladigan bepul to'garaklar tashkil etildi.

An'anaviy tarzda o'tkazib kelinayotgan mehnat yarmarkalari ham yoshlar bandligini ta'minlashda qo'l kelmoqda. O'tgan davr mobaynida 2 ming 393 marta shunday yarmarka tashkil etildi. Ularda 311 ming nafardan ziyod o'g'il-qiz ishtirok etib, 38 ming nafardan ziyodi ishli bo'ldi. Bu shuncha oilaning iqtisodiy barqarorligi izga tushib, minglab jinoyat va huquqbuzarliklar xavfi bartaraf etilganini anglatadi. Bo'lim tomonidan shakllantirilgan ro'yxatga ko'ra, yurtimizda

687 ming nafardan ziyod ishsiz yosh bor. Shu sabab Yoshlar tashkiloti joriy yil boshida o'g'il-qizlar bandligini ta'minlash uchun tuman (shahar)lar kesimida 2019-yilga mo'ljallangan manzilli rejanı tasdiqladi. Bu qisqa fursatda o'z samarasini ko'rsatdi. Joriy yil boshida (20 may holatiga) 109 ming 578 nafar yoshning bandligi ta'minlandi.

**Bunyod G'AFUROV,
Bandlikka ko'maklashish
va ijtimoiy himoya bo'limi
mudiri:**

— Yoshlar markazlari 26 yo'nalishda kasb-hunar va til o'rgatadigan bepul to'garak faoliyatini yo'lga qo'ygan. Hozir to'garaklarda 80 ming nafarga yaqin yosh kasb va til o'rganyapti. Xalqimiz: "Hunarli kishi xor bo'lmas", deb bejiz aytgan. Bu yoshlarning kelgusida ish topishi oson kechadi. Shu sababli to'garakka asosan boquvchisini yo'qotgan, uyushmagan, ichki ishlar bo'limining profilaktik ro'yxatida turadigan, imkoniyati cheklangan hamda kam ta'minlangan oila farzandlari jalb etiladi. Avvalo, mana shunday o'g'il-qizlar jamiyatda o'z o'rni borligini his etsa, hayotga ishonchi ortadi.



Ijtimoiy-huquqiy masalalar
va huquqbuzarliklar
profilaktikasi bo'limi

Jinoyat ko'chasiga yo'l yo'q!

O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi ijtimoiy-huquqiy masalalar va huquqbuzarliklar profilaktikasi bo'limining ma'lumot berishicha, 2017-yildan to hozirgacha yoshlar o'rtasida jinoyatchilikning oldini olishga qaratilgan targ'ibot tadbirlari o'tkazilib kelingan.

muammolar kelib chiqishiga sabab bo'ldi. Tegishli mutasaddilar har bir ishga mas'uliyat bilan yondashmayotganini ko'ryapmiz.

Jinoyatchilikka e'tiborsiz bo'lish qanday oqibatlariga olib kelayotganini kun

ora turli mamlakatlarda sodir bo'layotgan xunreziqlardan ham anglab turibmiz. Shuning uchun yoshlarimiz baxtli hayot kechirishi, jinoyat ko'chasiga kirib qolmasligi uchun bor kuch-g'ayratimizni ishga solishimiz kerak.

VOYAGA YETMAGANLAR O'RTASIDA SODIR ETILGAN JINOYATLAR:

2017-yilda — 373 ta;
2018-yilda — 239 ta;
2019-yilda — 187 ta.

YOSHLAR O'RTASIDA SODIR ETILGAN JINOYATLAR:

2017-yilda — 6 ming 340 ta;
2018-yilda — 4 ming 206 ta;
2019-yilda — 2 ming 650 ta

Hayotga qaytish

Bir yil muqaddam "Toshturma" nomi bilan mashhur 1-hibsxonaning torgina kamerasida hayotdan umidimni uzib, sud kunini kutayotgan edim. Eutun o'y-fikrim "Endi nima bo'ladi?", "Onamning ahvoli nima kechdi?", "degan savollar bilan band edi. Bu savollar dilimni o'rtagini sari vaqt ham to'xtab qolganay tuylar, kamariga taqilgan kalitlar shodasini shiqillatib o'tib-qaytayotgan nazoratchi najot farishtasiday ko'rinardi.

Nazoratchi eshik yonidan har o'tganida uning: "Suyarov, tergovga!", "Suyarov, advokatga!", deyishiga umid qilardim. Tergovga, advokat bilan uchrashuvga yoki sudga borish azob ko'lankasi bo'lgan tor kameradan borilishiga sabab bo'lardi. Mana shu tor xonadan panjarali to'siqdan boshqa hech narsa yo'q yo'lakchaga chiqish ham baxt edi.

Yagona taskin bu yerda yolg'iz emasligim edi. G'ayrat aka, Dilshod aka, Alisher bilan qadrdondek bo'lib qolgandik.

Jinoyat yo'lga kirgan va sodir etgan jinoyi qilmishidan chin ko'ngildan pushaymon bo'lgan 599 nafar yosh Ittifoqning hududiy kengashlari kafilligi asosida sud zalidan ozod qilingan. Ularga sudlar tomonidan ozodlikdan mahrum qilish bilan bog'liq bo'lmagan jazo turi tayinlanib, o'z hayotini yangitdan qurish imkonini berildi.

Onamning ko'z yoshini ko'rgach, yuragimni allaqanday kuch ayovsiz ezg'ilardi. Sudning bir necha hafta davom etishi umidsizlikni kuchaytirar, boz ustiga, qamalishim oydinlashib borayotgandi.

Bir-birimizni o'zimiz ham ishonmaydigan umidbaxsh so'zlar bilan ovutar, kayfiyatimizni ko'tarishga urinardik. Oradan uch oy o'tib, nihoyat sud kuni aniq bo'ldi. O'tgan vaqt men uchun asrlarga teng edi. Ayni paytda sudni kutib, umid bilan o'tkazgan kunlarim g'animatdek ko'rinish boshladi. Negaki, tergov jarayoni va advokatning so'zlaridan sud hukmi zararimga bo'lish ehtimoli ko'pligini his etardim.

Ik bor sud zaliga kirib keldim-u otanom, ukam, singlim, rafiqam, kurdosh, hamkasb va ijodkor do'stlarimni ko'rib, yig'lab yuboray dedim. Og'ir kunimda hol so'zlashga yaraydigan shuncha do'st-u birodarlarim borligini bilib, quvonchdan bo'g'zimga yig'itildim. Onamning ko'z yoshini ko'rgach, yuragimni allaqanday kuch ayovsiz ezg'ilardi. Sudning bir necha hafta davom etishi umidsizlikni kuchaytirar, boz ustiga, qamalishim oydinlashib borayotgandi. Ana shunday og'ir vaziyatda sira kutilmagan mo'jiza ro'y berdi. Sudda ishtirok etayotgan yurist Go'zal opa so'nggi daqiqalarda sudyaga Yoshlar ittifoqining kafillik xatini taqdim etdi. Nihoyat hukm o'qildi: "Sud zalidan ozodlikka chiqarilsin!".

Qulog'imga ishingim kelmasdi. Panjara eshik ochilgach, beixtiyor mahbuslar xonasiga tomon yurib ketibman. Nazorat-

chi nimtabassum va ko'tarinki ohangda: "Suyarov, endi bu tarafga o'tishga haqqing yo'q! Ozod bo'lding, tabriklayman!", degach o'zimga keldim. O'sha paytdagi holatimni so'z bilan ifodalab berolmayman.

Shu yo'sin ustozim Iqbol Mirzo va Qahramon Qurbanovning ishonchi sabab Ittifoq kafilligi ila ota-onam bag'riga eson-omon qaytdim. Yaqin kelajakda yaxshi kunlar bo'lishidan umid uzib, ko'z oldimni tuman qoplagan paytda bildirilgan bu ishonch meni hayotga qaytardi. Bu aslo shoirona mulohaza emas. Xudo ko'rsatmasin, panjara ortida uzoq vaqt qolib ketganimda ahvolim nima kechishini, u yerdan qanday ahvolda uyga qaytishimni tasavvur qila olmayman. Ammo bildirilgan ishonch sabab hayotga munosabatim yanada go'zallashdi. Turkum she'rilarim matbuotda e'lon qilindi. "Yoshlik" jurnalida bosilgan she'rilarim tahririyatning mukofotiga loyiq ko'rildi. Muhim, jamiyatga kerak ekanimni his etdim. "Insonni yo'q qilib tashlash mumkin, ammo uni aslo yengib bo'lmaydi!", deydi Ernest Xeminguey. Yozuvchi haq, ammo odamning orzusini o'ldirish orqali uni mahv etish mumkin. Ta'bir joiz bo'lsa, Ittifoq kafilligi orzu qilish imkonini qaytarib berdi.

Olimjon SUYAROV

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI


Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Hamza Abdullayev – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),
Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev – mas'ul kottib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina – mas'ul kottib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Boboravshan
G'OZIDDINOV

Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida berildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-713
Adadi — 19063

Bosishga topshirish vaqti — 21.05
Topshirildi — 22.55